

Судланганларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 5 октябрдаги ҳукмига кўра, Ф. ва С.нинг ҳар бирлари Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "б" банди билан 1 йил, 166-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан 3 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, 1 йил синов муддати белгиланган ҳолда 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли равишда судланганлар.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2012 йил 20 декабрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилиб, Ф. ва С.лар 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинганлар.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 18 апрелдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2012 йил 20 декабрдаги ажрими бекор қилиниб, Ф. ва С.га оид жиноят иши янгидан кассация инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди кассация инстанциясининг 2013 йил 10 июндаги ажрими билан Ф. ва С.га нисбатан чиқарилган ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ф. билан С. 2012 йил 8 апрель куни соат 20.30 ларда Сирдарё шаҳрида жойлашган "Ёшлик" тўйхонасида, Ф.нинг собиқ қайнопаси Х.ни кўриб қолиб, ўрталаридаги эски адоват туфайли ўзаро жанжаллашиб, тўйхонадан чиқиб кетаётган Х.нинг ортидан чиқиб, Сирдарё шаҳрининг "Ўзбекистон" кўчасидаги

светофор ёнида, атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Х.га хужум қилиб, ҳаёт учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, енгил шикаст етказиб, унинг бўйнидаги 30 граммли, 3.000.000 сўмлик тилла занжирини юлиб олишган.

Олий суд Пленумининг 2002 йил 14 июндаги "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорининг биринчи бандида, безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши, айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозимлиги, бунда мазкур хатти-ҳаракат билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шартлиги, сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб баҳоланиши лозимлиги;

Пленум қарорининг ўн учинчи бандида, судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатининг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари кераклиги, оилада, уйда қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодексининг Махсус қисми

тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Бироқ суд судланганларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Иш материалларига қараганда, опа-сингил Ф. ва С. ҳамда жабрланувчи Х. ўртасида олдиндан шахсий келишмовчилик бўлган. Мазкур келишмовчилик замирида улар Сирдарё шаҳрининг "Ўзбекистон" кўчасидаги светофор ёнида Х. билан жанжаллашиб, унга енгил шикаст етказишган.

Жабрланувчи Х., 2012 йил 8 апрелда тўйга боргани, у ерда опа-сингил Ф. ва С. ҳам бўлгани, С. олдига келиб, ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлагани, тўйхонадан чиқиб, светофор ёнига етиб келганида, орқасидан келган С. сочидан тортиб, силтай бошлагани, Ф. эса, қўллари билан ургани, С. "сенга занжир тақишни ким қўйипти?" деб, яна сочидан тортиб, бўйнидаги занжирини юлиб олгани ҳақида кўрсатма берган.

Судга оид тиббий экспертиза хулосасида, Х.га соғлигининг қисқа муддатга бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст етказилгани кўрсатилган.

Суд опа-сингил Ф. ва С.ларнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "б" банди билан квалификация қилишда, улар билан Х. ўртасида олдиндан адоват бўлганини, жанжал вақтида атрофда ҳеч ким бўлмаганини инобатга олмаган.

Бундан ташқари Ф. ва С.лар 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилиниши лозим бўлсада, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судининг кассация инстанцияси суди бу ҳолатни муҳокама қилмасдан, хатога йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 14 ноябрдаги ажрими билан Ф. ва С.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, Ф. ва С.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "б" бандидан шу кодекснинг 109-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилиниб, Ф. ва С.нинг ҳар бирига нисбатан Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди, Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми "б", "в" бандлари билан тайинланган жазолар ўзгаришсиз қолдирилди ва Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида, узил-кесил 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 72-моддаси қўлланган ҳолда жазо шартлига ўзгартирилиб, 1 йилдан синов муддати белгиланди.

Ф. ва С.лар Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори биринчи бандининг "а" кичик бандига асосан жазодан озод қилинди.

ЖСХ-278-13 назорат иши